

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ОЛИМОВ СИДДИҚ ШАРИФОВИЧ

**ТИШ-ЖАҒ ДЕФОРМАЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА ФУНКЦИОНАЛ ВА
МЕТАБОЛИК БУЗИЛИШЛАРНИ ТАШҲИСЛАШ ВА КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Олимов Сиддиқ Шарифович

Тиш-жағ деформацияли болаларда функционал
ва метаболик бузилишларни ташхислаш ва комплекс
даволаш 3

Олимов Сиддиқ Шарифович

Комплексное лечение и диагностика функциональных
и метаболических нарушений у детей с зубочелюстными
деформациями 27

Olimov Siddiq Sharifovich

Comprehensive treatment and diagnosis of functional
and metabolic disorders in children with dentoalveolar
deformities 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ОЛИМОВ СИДДИҚ ШАРИФОВИЧ

**ТИШ-ЖАҒ ДЕФОРМАЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА ФУНКЦИОНАЛ ВА
МЕТАБОЛИК БУЗИЛИШЛАРНИ ТАШҲИСЛАШ ВА КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.DSc/Tib298 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tdsi.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ғаффоров Сунатулло Амруллоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рузуддинов Саурбек Рузуддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)

Ҳабиллов Нигмон Лукмонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сабилова Рихси Абдуқодировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Урал Давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Докторлик (DSc) диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100047, Тошкент ш, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси 103 уй, Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru

Докторлик (DSc) диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103 уй. Тел.: (+99871) 230-20-65; e-mail: tdsi2016@mail.ru

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

О.Е.Бекжанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда тиш-жағ тизими деформацияларини ташхислаш ва уларни даволаш самарадорлигини баҳолаш муаммолари замонавий стоматологиянинг долзарб масалалардан бири бўлиб, бу аҳолини ортодонтик даволаш ва профилактик муолажаларига бўлган талабини баҳолаш, зарурий ортодонтик ёрдам ҳажмини белгилаш ва даволаш-профилактик муолажалар самарадорлигини оширишга имкон беради¹. Аҳолининг этник келиб чиқишига боғлиқ ҳолда дистал ва мезиал тишловнинг тарқалиши: «...корейс, хитой ва японларда 8–40%гача; Африка халқларида эса – 3–8%, келиб чиқиши европа-америкалик бўлган шахслар 0,48–4%; канадаликларда – 16%...»²ни ташкил этмоқда. Тиш қаторлари нуқсонлари мавжуд болаларда «... 66% ҳолатларда тиш қаторлари шакли ва ҳажмини бузилишлари кузатилиб, сут ва доимий тишларни эрта олиб ташлаш натижасида тиш-жағ тизими деформацияларини жадаллик билан ривожланишига олиб келади...». Сўнгги йилларда турли минтақаларда болалар ва ўсмирлар орасида тиш-жағ аномалиялари ва деформацияларининг тарқалганлик даражаси кескин ортиб бормоқда «...бу ҳолат 15–18% дан 40,0% ни ташкил қилмоқда...». Бундан ташқари «...сўнгги 10 йил ичида касалланиш 1,5 мартага ошган, Европа мамлакатларида ҳам ортодонтик даволаш-профилактик муолажаларига бўлган талаб ортганлигини кузатиш мумкин...»³. Тиш-жағ деформацияларини келиб чиқишида аҳамиятли бўлган омилларнинг турли туманлигини эътиборга олган ҳолда ушбу тоифадаги беморларда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар долзарблигини белгилаб беради.

Жаҳонда тиш-жағ деформацияли болаларда функционал ва метаболик бузилишларни ташхислаш ва комплекс даволашни такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада болалар ва ўсмирларда тиш-жағ деформацияларини учраш даражасини ретроспектив таҳлилини асослаш; мактаб ёшидаги болаларда тиш-жағ деформацияларини ривожланиш хавф омилларини асослаш ҳамда дистал окклюзияли болаларда клиник-рентгенологик белгиларни баҳолашдан иборат. Болаларда тишлов шаклланиши турли даврларида дистал окклюзияни ташхислаш ва комплекс даволаш тизимини, тиш-жағ деформацияларини клиник кечишини ташхислаш мезонларини балларда ишлаб чиқиш, дистал окклюзия бузилишларида сўлак ва қоннинг

¹Козлов Д. С. Изучение распространенности зубочелюстных аномалий и деформаций среди детей школьного возраста. Мониторинг проведенного ортодонтического лечения и анализ его эффективности: Автореф. канд. дис. Воронеж. – 2019. 23 с.

²Аболмасов Н.Н., Аболмасов Н.Г. Комплексное лечение пациента с аномалией прикуса III класса, осложненной дефектами зубных рядов: анализ клинического случая // Стоматология. -2014.-№6.-С.57-61

³ Bhagyalakshmi A., Shivalinga B. S. B., Sheka S. The index of orthodontic treatment need-A review // Internat .J. Recent Scient Research. – 2015, T. 6, № 8. – С. 5835–39.

биокимёвий кўрсаткичларини тавсифини аҳамиятини ҳамда деформациялар ривожланишида протеолиз, липопероксикация ва цитокин мувозанати жараёнлари фаоллик маркерлари динамикасини ҳамда дистал окклюзияли болаларда метаболик гомеостаз кўрсаткичларини асослаш, прикус шаклланишининг турли даврларида дистал окклюзияни комплекс даволаш самарадорлигини ошириш тиш-жағ деформацияларини баҳолаш сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар ва ўсмирлар орасида турли соматик касалликлар сонининг кескин ортишига қарамасдан, турли профилактик чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Болалар орасида стоматологик касалликлар ривожланиши ва тарқалишини камайтириш, болалар орасида дистал окклюзияли беморларни ажратиш ва улардаги нуқсонларни бартараф этиш зарур муаммолардан биридир. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш ...»⁴ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда болалар орасида тиш-жағ тизимининг деформацияларини олдини олиш ва самарали даволаш тизимини яратиш, тиш-жағ тизими нуқсонларини ўз вақтида ташҳислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришни такомиллаштириш орқали касаллик оқибатида юзага келадиган деформацияларнинг асоратларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3440 сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи⁵. Тиш-жағ деформацияли болаларда функционал ва метаболик бузилишларни ташхислаш ва комплекс даволашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Federal University of Uberlândia, Universidade Federal do Rio de Janeiro (Бразилия); Medical University of Bialystok (Польша); University of Novi Sad (Сербия); Kagoshima University, Tokyo Medical Dental University (Япония); University of Cagliari, University of Ferrara (Италия); Kyungpook National University (Жанубий Корея); Peking University (Хитой); University of Copenhagen (Дания); Seoul National University, Universidad de Antioquia (Колумбия); Sir John Walsh Research Institute (Янги Зеландия); Islamic Azad University (Эрон); University of Sydney, University of Western Australia (Австралия); University of Manchester (Англия); University of Amsterdam, The Netherlands University (Нидерландия); Cairo University (Миср); Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон).

Тиш-жағ деформацияли болаларда функционал ва метаболик бузилишларни ташхислаш ва комплекс даволашда қатор, жумладан, кўйидаги илмий натижалар олинган: болаларда турли минерал моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида эмбрионал ривожланиш жараёнида окклюзиянинг морфологик кўрсаткичларининг таъсир механизми исботланган (Medical University of Bialystok, Польша); жағнинг анатомик ҳолатини уч поғонали цефалометрик таҳлил тизими асосланган (University of Illinois, АҚШ); юз-жағ соҳаси II синф аномалияси мавжуд болаларда пастки жағни тез кенгайтирувчи аппарат, чайнов мушакларининг биоэлектрик фаоллигини баҳолашда Angle даволаш тизимининг самарадорлик кўрсаткичлари асосланган (University of Novi Sad, Сербия); юз-жағ соҳаси III синф аномалияси мавжуд болаларда юқори жағни тез кенгайтирувчи аппарат, юз ниқоблари, alt-ramec protocol ёрдамида даволаш тизимининг самарадорлик кўрсаткичлари асосланган (Universidad de Antioquia, Medellin, Колумбия); пастки жағ соҳаси скелетининг асимметрик деформацияси мавжуд болаларда юз-жағ соҳасининг жарроҳлик амалиёти натижаларини уч ўлчамли компьютер текширувлари натижалари асосида исботланган (University of Chang Gung, Тайван); анъанавий биометрик усуллар асосида ҳисобланган тиш ўлчамлари, тиш қаторларининг параметрлари ва жағлар апикал базисининг антропометрик меъёрий кўрсаткичларини аниқлашда муҳим илмий натижалар исботланган (University Sains Malaysiana, Малайзия); тиш қаторлари параметрлари тиш ёйларининг тўғри ўлчамларини башоратлаш учун Понт индексларининг Мексика аҳолисининг тиш ёйлари

⁵Диссертация мавзуси бўйича хорижий адабиётлар маълумотлар ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди. www.ufu.br, www.ufjf.br, www.umb.edu.pl, www.uns.ac.rs, www.kagoshima-u.ac.jp, www.unica.it, www.knu.ac.kr, www.tmd.ac.jp.

ўлчамига мос келмаслиги исботланган (National University of Mexico, Мексика); немислар ишлаб чиққан цефалометрик стандартлари ёш ва жинс бўйича тафовутга эга эканлиги исботланган (Rostock University, Германия); болаларда дистал окклюзиянинг дифференциал ортодонтик даволаш усули ишлаб чиқилган (Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Ўзбекистон).

Дунёда тиш-жағ деформацияли болаларда функционал ва метаболик бузилишларни ташхислаш ва комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли аҳоли яшаш ҳудудларида дистал окклюзияли беморларни ташхислаш ва даволаш механизмини асослаш; бошнинг профил телерентгенограммаси цефалометрик таҳлилини асослаш; болаларда прикус шаклланиши турли даврларида дистал окклюзияни ташхислаш ва комплекс даволаш тизимини ишлаб чиқиш; тиш-жағ деформацияларини клиник кечишини ташхислаш мезонларини балларда ишлаб чиқиш; дистал окклюзия бузилишларида сўлак ва қоннинг биокимёвий кўрсаткичлар тавсифи аҳамиятини ҳамда деформациялар ривожланишида протеолиз, липопероксикация ва цитокин мувозанати жараёнлари фаоллик маркерлари динамикасини асослашдан иборат.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда келтирилган маълумотларни кўрсатишча, янги авлод миофункционал регуляторлари индивидуал ўлчамига мос ҳолда ортодонтик коррекциялаш усули ҳисобланади (Токаревич И.В., Корнеева А.С., 2014). Тиш протезлари билан даволашда юзага келувчи тиш илдизлари резорбцияси, тиш эмали декальцификацияси, милк қирғоғи рецессияси, гингивит ва бошқа асоратларни, шунингдек, доимий оғиздан нафас олиш, реверсив ютиниш, ҳамда зарарли одатлар тиш ёйининг торайишига ва қимматбаҳо ортодонтик даволаш натижаларининг турғун бўлмаслигига олиб келади. Тиш-жағ тизими, жумладан, тиш қаторлари торайишини миофункционал коррекциялаш имконини берадиган силикон эластопозиционер тизимли миофункционал регулятор аппаратлари иш тизими асосланган (Персин И.А., 2003). Тиш-жағ деформациялари юзага келишида – ютинишда иштирок этувчи мушакларнинг функционал ҳолати ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Болалар учун туғилгандан то сут тишлари чиқиш давригача инфантил ютиниш тури хосдир. Агар инфантил ютиниш тури сақланиб қолса сут тишлари тўлиқ чиққандан сўнг болани тилининг учи ҳар бир ютинишда тиш оралиғидан сирғалиб чиқади, натижада энгак ости мушаги фаолиятини ошади ва ушбу ҳолат айниқса церебрал фалажи бўлган болаларда умрининг охиригача сақланиб қолади (Арсенина О.И., 2004; Царева Т.Г., Манкаева О.В., 2005; Dietrich A., 2004).

Тадқиқотлар натижаларига кўра, зарарли одатлар ва дисфункциялар мавжуд болалар 80%ида тиш қаторларини қисқариши, уларнинг 50%ида пастки жағнинг дистал жойлашуви билан асоратланади. Болаларда зарарли одатларни анъанавий ортодонтик даволашни қўллаш билан бартараф қилиш жуда паст даражада самарадорликка эга (Зобанова И.Н., 2015).

Тиш қаторлари нуқсонлари мавжуд беморларда оғиз суяқлигининг сифат кўрсаткичларини лаборатор-диагностик натижаларида аниқланишича, адентия ҳолатида оқсил миқдори, амилаза фаоллиги бир неча мартага ошиши, лактат концентрацияси, ЛДГ фаоллигини пасайиши, P/Ca коэффициентини уч баробарга ошиши аниқланган. Адентияда олиб ташланган тишлар ва оғиз суяқлиги электролит таркибий элементлари (калий, натрий, хлоридлар) даражаси билан тўғри пропорционаллиги аниқланган. Пародонтологик ва жарроҳлик амалиётлари (очик/ёпиқ кюретаж, тишларни, тиш карашларини, грануляцияларни олиш) дан сўнг оғиз суяқлигида мис, темир миқдорларининг пасайиши аниқланган. Дентал имплантациядан кейин ортопедик муолажалар ўтказилганда беморлар оғиз суяқлигида ўрта молекуляр массадаги олигопептидлар миқдорининг ўзгаришлари қайд этилган. Циклоспорин қабули натижасида келиб чиққан милк гиперплазияси мавжуд беморларда эпидермал ўсиш омили миқдорида ҳам турли даражадаги сўлакдаги омилни ошиши, қон зардобиди эса сезиларли пасайиши каби ўзгаришлар аниқланган (Chase W.R., 2010; Denovan L.A., 2010).

Шундай қилиб, меъёр ва турли патологик ҳолатларда ноинвазив усулда олинган оғиз суяқлиги таркиби, физик-кимёвий хусусиятлари каби метаболик кўрсаткичларни даволаш самарадорлигини баҳолаш, морфо-функционал бузилишлар интенсивлигини аниқлаш учун оғиз суяқлигини клиник-лаборатор текширув объекти сифатида қўллашга асос бўлади, ҳамда стоматологик ва умумсоматик касаликлар этиопатогенези тўғрисидаги маълумотларни тўлдиришга имкон беради (Jurjus A., 2009; Humphrey S.P., Williamson R.T., 2011).

Ўзбекистон Республикасида болаларда учрайдиган ортодонтик касалликлар бўйича қатор муаллифлар иш олиб боришган, бурун тўсиғи суяклари деформациясининг тиш жағ тизими фаолиятига таъсир механизми асосланган (Махсудов С.Н., 2000); ўзбек популяциясига мансуб шахсларнинг юз-жағ соҳасини антропометрик ва рентгеноцефалометрик кўрсаткичлари ва уларни клиникада қўллаш самарадорлиги исботланган (Муртазаев С.С., 2017), бироқ, бугунги кунда мамлакатимизда болаларда дистал окклюзияни дифференциал даволаш тизими такомиллаштирилмаган.

Юқорида қайд этилган барча маълумотлар мақсадга йўналтирилган тадқиқотларни олиб боришга, ҳамда мактаб ёшидаги болаларда сут ва доимий тишлов даврларида тиш-жағ деформацияларини даволашнинг турли усуллари самарадорлигини аниқлаш заруриятини кўрсатади. Олинган натижалар нафақат ортодонтик даволашга муҳтожлик даражасини аниқлашга, балки болалар стоматологияси амалиётига қўллаш мақсадида турли ёш гуруҳидаги болаларда даволаш ва профилактика стандартлари алгоритмларини ишлаб чиқишга имкон яратади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №011400196 «Стоматологик

касалликларни ташҳислашда янги технологиялар» (2014-2019) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: тиш-жағ деформациялари мавжуд болаларда функционал-метаболик бузилишларни ташҳислаш ҳамда комплекс даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактаб ёшидаги болаларда тиш-жағ деформациялари тарқалганлиги ва учраш даражасини ретроспектив маълумотлар асосида ўрганиш, уларни ривожланиш омилларини баҳолаш;

мактаб ёшидаги болаларда тиш-жағ деформациялари ривожланиш хавф омилларини ва умумий салбий омиллар аҳамиятини баҳолаш;

дистал окклюзияли болаларда клиник-рентгенологик белгиларни баҳолаш;

дистал окклюзияли болаларда метаболик гомеостаз кўрсаткичларини баҳолаш;

прикус шаклланишининг турли даврларида дистал окклюзияни комплекс даволаш самарадорлигини клиник-лаборатор баҳолаш;

болаларда прикус шаклланиши турли даврларида дистал окклюзияни ташҳислаш ва комплекс даволаш схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2014–2018 йилларда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқув-услубий-даволаш маркази ва Бухоро вилоят болалар стоматологик поликлиникасига мурожаат қилган 6-18 ёшдаги дистал окклюзияли 238 нафар бемор маълумотлари олинган.

Тадқиқот предмети сифатида дистал окклюзияли болалар, юз-жағ тизими, пародонт тўқимаси ҳолати, липид ва углевод алмашинуви кўрсаткичлари, гемостаз тизими ҳолати, эндотелиал дисфункция ва тромбоцитлар морфологияси учун қон зардоби ва аралаш сўлак материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, стоматологик, клиник-функционал, рентгенологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда юз-жағ соҳаси функционал тизим компонентлари орасида корреляцион боғлиқлик натижасида 6–18 ёшдаги болаларда тиш-жағ деформациялари шаклланишидаги патогенетик аҳамияти исботланган;

окклюзион-артикуляцион, функционал-морфологик ва эстетик талабларга мос келувчи тиш-жағ тизимидаги турғун натижаларга эришиш учун даволаш муддатларини оптималлаштириш орқали доимий ва алмашинув тишлов даврида ортодонтик даволаш стандартлари ва тавсиялари ишлаб чиқилган;

дистал окклюзияли болаларда қон ва сўлакдаги метаболик кўрсаткичларининг таққосий комплекс текширувлари ўтказилган ва уларнинг патогенетик аҳамияти исботланган;

эндоген интоксикация ва оксидланувчи стресс, цитокинлар ва ЛПО жараёнларининг фаоллашиши, қоннинг минерал таркиби дисбаланси, томир

эндотелийси раективлигини ва қон ивишининг томир-тромбоцитар бўғинидаги ўзгаришлари исботланган;

мактаб ёшидаги болаларда ортодонтик даволаш натижаларини мониторинги асосида дистал окклюзияли болаларда ортодонтик даволаш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дистал окклюзияни даволашнинг анъанавий ва замонавий усуллари самарадорлиги таҳлили ва уларни ўтказишнинг мақбул муддатлари илмий асосланган;

дистал окклюзияли болаларни текширувдан ўтказиш тизими ишлаб чиқилган;

дистал окклюзияли беморларда эрта ташҳислаш ва патогенетик даволаш схемаси ишлаб чиқилган;

тиш қаторлари нуқсонлари биометрик кўрсаткичлари, қон ва сўлакнинг лаборатор кўрсаткичлари орасида ўзаро алоқадорлик баҳоланган;

тиш-жағ тизими томонидан турғун натижаларга эришиш учун дистал окклюзияли болаларни ортодонтик даволашга тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, стоматологик, клиник-функционал, рентгенологик, биокимёвий ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тиш-жағ деформацияли болаларда функционал ва метаболик бузилишларни ташҳислаш ва комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, болалар саломатлик даражасини комплекс баҳолаш асосида юз-жағ деформациялари учраш даражаси, стоматологик ҳолати тўғрисида ишонарли маълумотлар олинганлиги, даволаш ва профилактика ёрдамига муҳтожликни аниқланиш тизимининг назарий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, болаларда оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарида клиник ўзгаришларни комплекс ўрганиш натижалари тиш-жағ деформациялари патогенезини баҳолашдаги кўрсаткичлардан бири, ҳамда турли ёшдаги болаларда қўлланилган стоматологик текширувлар схемаси сифатида қўлланилиши мумкин. Саломатлик ҳолати бўйича бирламчи текширув ва шифокор назоратига муҳтож бўлган болалар организмдаги тиш-жағ деформацияларига сабаб бўлувчи бузилишларни скрининг усули соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиш-жағ деформацияли болаларда функционал ва метаболик бузилишларни ташҳислаш ва комплекс даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда тиш-жағ деформацияларини даволаш динамикасида оғиз бўшлиғи гигиенаси ва прооксидант тизими кўрсаткичлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 октябрдаги 8н-д/244-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда дистал окклюзия патогенезини асослаш янги мезонларини ишлаб чиқиш, болаларда тиш-жағ деформацияларини даволаш динамикасида оғиз бўшлиғи гигиенаси ва прооксидант тизими кўрсаткичлари орқали касалликни самарали ташҳислаш ва даволаш тизимини яратиш имконини берган.

«Мезиал окклюзияли болаларда метаболик гомеостаз» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 октябрдаги 8н-д/244-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада тиш-жағ деформациясида мезиал окклюзияли болаларда метаболик гомеостаз орқали болаларни даволашни янги усули тавсия қилиш имконини берган.

«Комплекс даволаш негизида тиш-жағ деформациялари мавжуд болаларнинг клиник-рентгенологик тавсифи» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 октябрдаги 8н-д/244-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада тиш-жағ деформациялари мавжуд болаларни даволашнинг янги усулини тавсия қилиш имконини берган.

Тиш-жағ деформацияли болаларда функционал ва метаболик бузилишларни ташҳислаш ва комплекс даволашни ишлаб чиқиш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилоят болалар стоматологик поликлиникаси, Хоразм вилояти стоматологик поликлиникаси, Когон, Ғиждувон, Вобкент, Жондор туман тиббиёт бирлашмаларига қарашли болалар стоматологик поликлиникаларида клиник амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 2 декабрдаги 8н-д/210-сон маълумотномаси).

Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши тиш-жағ деформацияли болаларда функционал ва метаболик бузилишларни ташҳислаш ва комплекс даволаш дастурларини ишлаб чиқиш, мезиал тишловли текширилган болаларда етакчи этиопатогенетик сабаб бўлиб ирсий омиллар ҳисобланади, юқори тиш қатори ёйининг катталикларида ва жипслашиш нуқсонларини батараф этиш, пастки тиш қатори ёйининг қисқалигини оғиз даҳлизининг торлиги билан бирга келиши болаларда тил юганчасининг калталигини ташҳислаш, ушбу хасталикларни ортодонтик даволаш тизимини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тиш-жағ деформацияси: учраш даражаси, ташҳислаш, даволаш ва профилактикасининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда соматик касалланиш ва тиш-жағ деформациялари ўртасидаги боғлиқлик, стоматологик беморларнинг метаболик статусини баҳолашда оғиз суюқлиги кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти, шунингдек, турли хил биокимёвий кўрсаткичларнинг патогенетик ўрни ва тиш-жағ деформацияларини даволаш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш, даволашнинг самарали усулларини топиш зарурати кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Тиш-жағ деформациялари мавжуд беморларнинг клиник тавсифини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган материаллар ва тадқиқот усуллари тавсифланган. Тиш-жағ деформацияларининг тарқалганлик даражасини ўрганиш ва унинг пайдо бўлиш хавфини аниқлаш учун Бухоро шаҳридаги вилоят стоматология поликлиникасида ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқув-даволаш-ташҳислаш марказида амбулатория шароитида даволанган, окклюзиянинг турли хил (дистоокклюзия, вертикал кесувчи дизокклюзия ёки чуқур кесувчи окклюзия) деформацияларига эга беморларнинг 831 та касаллик варақаси қиёсий ретроспектив таҳлили ўтказилди.

Болаларнинг клиник текширувлари ота-оналар хабардор қилингандан кейин, уларнинг розилиги билан ўтказилди. Клиник тадқиқот материаллари бўлиб 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 238 нафар беморни текшириш ва ортодонтик даволаш натижалари хизмат қилди.

Тишлов бузилишини даволаш босқичма-босқич амалга оширилди:

Тайёргарлик даври оғиз бўшлиғини даволаш ва кариеснинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, жарроҳлик тайёргарлиги (оғиз

дахлизи пластикаси, юқори ва пастки лаблар юганчаси пластикаси, айрим тишларни олиб ташлаш), оғиз ва бошқа мимик ва чайнов мушакларининг миогимнастик машқлари, зарарли одатларни бартараф қилиш, бурун билан нафас олишни бир маромга келтириш; логопедик коррекция; даволаш даври ортодонтик асбоблардан фойдаланиб тиш қаторларининг текислашни, юқори ва пастки жағлар тишларининг ҳолатини тўғрилашни, тиш қаторлари кенглигини меъёрлаштиришни ва окклюзион юзани коррекциялашни ўз ичига олди. Бунинг учун турли хил элементларга эга (винтлар, пружиналар, ёйлар) ортодонтик асбоблардан, тиш альвеоляр ёйини кенгайтирувчи асбоблардан фойдаланилди; ретенцион даврда юқори ва пастки жағлар тишларининг узил-кесил текисланиши амалга оширилди, эришилган натижалар олиб қўйилмайдиган ретейнерлар, олиб қўйиладиган ретенцион аппаратлар, эластопозиционерлар ёрдамида зич фиссура-дўмбоккли бирикув ҳосил қилиш йўли билан барқарорлаширилди.

Беморларни анъанавий ортодонтик даволашда, аппаратлар билан даволаш усуллари, асосан, олиб қўйиладиган ортодонтик аппаратлар кўпроқ қўлланилди.

Даволаш натижалари – даволаш давомийлиги, ташрифлар сони, даволанишда ижобий натижалар кузатилган болалар сони бўйича баҳоланди. Ортодонтик самара фотометрия, назорат ва ташҳислаш моделларини биометрик ўлчовлари, даволашдан олдин ва кейин цефалометрия ёрдамида баҳоланди. Ортодонтик аппаратни албатта тунда ва имкон қадар кундузи дам олиш пайтида ишлатиш тартиби тўғрисида даволовчи шифокор томонидан белгиланди. Кузатув даври 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатни ташкил қилди.

Таклиф қилинган даволаш усулида олиб қўйиладиган аппаратлар билан бир қаторда, хориж фирмалари ишлаб чиқарувчиларининг брекет тизимлари, тиш қаторларини тўғрилаш Roth тизимининг тўғри ёй техникаси (straight-wire technique) билан амалга оширилди. Назорат гипс моделлари ёрдамида амалга оширилди.

Беморларни комплекс даволаш босқичлари: эрта тиш алмашинув даври - 6-9 ёшда: миобрейс, LM-активаторлар; кеч тиш алмашинув даври - 10-13 ёш: юқори жағни тез кенгайтирувчи аппарат, тишларни олиш ёки олмасдан брекет ўрнатиш; доимий тишлов - 14-18 ёш: юқори жағни тез кенгайтирувчи аппарат, тишларни олиш ёки олмасдан брекет ўрнатишни ўз ичига олди.

Барча беморларга педиатр, эндокринолог ва гастроэнтеролог маслаҳатлари берилиб, тегишли этиопатогенетик терапия буюрилди. Юқоридаги мутахассисларнинг тавсияларига кўра, асосий гуруҳнинг барча беморларига куйидаги дори воситалари буюрилган: вобэнзим, бола вазнининг 6 кг- 1 таблетка ҳисобида, олинган миқдор уч маҳал қабул қилиш учун 3 бўлинган, овқатдан 30 дақиқа олдин ёки овқатдан 2 соат ўтгач, чайнамасдан, кўп миқдорда (камида 150 мл сув) сув ичган ҳолда қабул қилинган. Даволаш курси 1,5 ойни ташкил этди; Биожен ЛК (Biojen-LK) - биологик қўшимча сифатида кунига 1 капсуладан 2 марта овқатдан 30-40 дақиқа аввал. Даволаш курси 1 ой; Омевит – А ва В капсуласидан кунига 1

маротаба, даволаш курси 1 ой; Лацидофорте – 1 капсуладан кунига 3 марта овқат пайтида, даволаш курси 1 ой.

Ортодонтик конструкцияларга мослашувни яхшилашга қаратилган даволаш-профилактика чораларининг самарадорлигини баҳолаш учун 6-18 ёшдаги дистал окклюдияли 56 нафар бола аппаратли даволаниш учун 2 та тадқиқот гуруҳи ажратиб олинди.

Асосий гуруҳ (дистал окклюдияли 32 нафар бола) - олиб қўйиладиган пластинкали мосламалар ёрдамида тиш-жағ деформацияларни даволашда ишлаб чиқилган комплекс даволаш усулидан фойдаланилди.

Таққослаш гуруҳи (дистал окклюдияли 24 нафар бола) - ортодонтик даволашда асосий терапия қўлланилган.

Асосий гуруҳдаги болалар фаол механик таъсир кўрсатувчи ва комбинацияланган, олиб қўйилувчи пластинкали аппаратларидан кундузи, тунда эса функционал таъсир қилувчи LM активаторларидан фойдаландилар.

Қон ва оғиз суюқлигидаги яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларни (IL-1, IL-2, IL-4, IL-6, IL-8, IL-10 ва ЎНО-а) тадқиқ этиш «Вектор-Бест» ЁАЖ (Новосибирск, Россия) ишлаб чиқарган синов тизими ёрдамида қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил усули билан амалга оширилди.

Қон зардобидида ишқорий фосфатаза ва гаммаглутамилтранспептидаза (ГГТП) нинг фаоллиги "HUMAN" фирмасининг реагентларидан фойдаланган ҳолда "Mindray" биокимёвий анализаторида аниқланди. Қон зардобидида MMP-1, MMP-9, TIMP-1 миқдори стандарт синов тўпламларидан (HUMAN, Германия) фойдаланиб, иммунофермент таҳлил орқали аниқланди.

Оғиз бўшлиғидаги уреаз фаоллигини аниқлаш ушбу ферментнинг мачевинани аммиакка парчалаш қобилятига асосланган усул ёрдамида амалга оширилди, қайсики у Несслер реактиви билан сариқ ранг беради. Намуна рангининг тўқлиги 1 мл оғиз суюқлигида 1 дақиқада ҳосил бўлган аммиак микромолларида ифодаланган уреазанинг фаоллигига бевосита пропорционалдир [Гаврикова Л., 1996].

Оғиз суюқлигидаги лизоцим фаоллигини аниқлаш, лизоцимнинг бактерияларни парчалаш қобилятига асосланган бактериологик усулда амалга оширилди.

Қон зардобидидаги С-реактив оксил (С-РО) концентрацияси Stat Fax 2002 аппаратида Вектор-Бест (Россия) фирмасининг ташҳислаш тўпламидан фойдаланиб, иммунфермент таҳлил билан аниқланди.

Гликозоамингликанлар (ГАГ) Косягина Е.А. усули бўйича карбазол реакцияси билан аниқланди (Шараев П.И. ва бошқалар, 1990).

Гемостаз ва фибринолиз тизими кўрсаткичлари (қисман фаол тромбопластин вақти, фибриноген концентрацияси ва фибрин-мономер комплексларининг таркиби) гемостаз тизимини ўрганишга доир қўлланмаларда эълон қилинган усуллар ёрдамида амалга оширилди (Баркаган З.С., Момот А.П., 2001).

Сўлак ва қон зардобидидаги липидлар перокисли оксидланиши ТБК - фаол маҳсулотлар (Андреева Л.И. ва бошқалар, 1988), умумий антиоксидант

фаоллик (Промыслов М.Ш. ва бошқ., 1990) ва диен конъюгатлари ва кетодиенларнинг концентрацияси (Волчегорская И.А. ва бошқ., 1989) ўрганилди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилди. Ўртача қийматлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги 95% ишончиликда Стъюдент мезони асосида баҳоланди ($P < 0,05$).

Диссертациянинг «**Болаларда юз-жағ соҳасининг функционал тизими хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида текширилган беморларга доир материаллар тақдим этилган. Тиш-жағ деформациялари клиник кўринишининг солиштирма ҳажми, жинси, ёши ва учраб туриш частотасини аниқлашда юқори аниқликка эришиш мақсадида, биз Бухоро шаҳридаги вилоят болалар стоматологияси поликлиникасида 2005–2015 йиллар мобайнида амбулатория даволанишида бўлган 831 нафар беморларнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлили ўтказилди.

Ретроспектив ўрганишлар натижалари бўйича орофациал дисфункцияга (нуқсонга) эга бўлган 831 нафар болалардан 39,1% болаларда сагиттал юзада нейтрал окклюзияга эга эканлиги қайд этилди. Дистал окклюзия 391 нафар болаларда ташхисланиб, бу орофациал дисфункцияга эга бўлган барча болаларнинг 47,1%ини ташкил қилади. 115 нафар беморларда (13,8%) мезиал окклюзия ташхиси қайд этилди.

Болаларнинг вақтинчалик тишлов давридаги тиш-жағ аномалия ва деформацияларига олиб келувчи хавф омилларига оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималарининг аномалиялари – 19,16%ни, иккинчи ўринда тез-тез учраши бўйича сут тишларнинг эрта йўқотилиши – 17,01%ни, оғиз орқали ва аралаш нафас олиш – 17,01%ни, нутқ бузилиши – 14,9%ни, сут тишлари орасидаги тремалар бўлмаслиги – 12,77%ни, ютинишнинг инфантиль тури – 8,51%ни, сут тишлари дўмбоқларининг едирилмаслиги – 6,38%ни ҳамда зарарли одатлар – 4,26%ни ташкил этади.


Вертикал юзада биз томондан 86,2% болаларда 23,0% ҳолатларда курак тиш дизокклюзияси кўринишидаги нуқсонлар ва 43,2% ҳолатларда курак тишининг чуқур окклюзияси аниқланган.

Турли ёш давридаги болалар ва ўсмирларда тишлов ривожланишининг морфофункционал хусусиятлари, одатда, турли бузилиш ва патологик ҳолатларнинг учраб туриш сонига таъсир қилади. Бизнинг ҳолатимизда, боланинг тишлови ривожланиш давридан келиб чиқиб, тиш-жағ деформацияларининг тарқалганлик даражасини ўргандик.

Тиш-жағ деформациялари таркибида кўп ҳолларда дистал окклюзия сифатида таърифланган тишлов патологияси устунлик қилади (57,8%). Аммо, эрта алмашинувчи тишловда мезиал окклюзия кўп учраб турган бир вақтда (35,3%; $P < 0,05$), доимий тишловда дистал окклюзия (75,0%; $P < 0,05$) кўпроқ учраши статистик ишончли тарзда аниқланди.

6-12 ёшдаги (11,6%) 43 нафар болалардан 5 тасида марказий чизикнинг ўнгга силжиши кузатилган, 4 нафар болада (9,3%) эса чапга силжиши кузатилган. 13-18 ёшдаги болаларда марказий чизикнинг силжиши 59,6%

(28 та бола)да кузатилган бўлиб, бунда ушбу силжиш ўнгга ҳам, чапга ҳам бир хил частотада бўлган. Биз томондан гипс моделларда ўтказилган таҳлиллар давомида 5% болаларда ретрогенияда, 61% болаларда прогнатияда, 7% болаларда прогенияда ва 27% болаларда ретрогнатияда пастки жағнинг тиш қаторларида жой этишмаслиги аниқланди (1-расмга қаранг).




1-расм. Юқори жағнинг тиш қаторларида жой ортиқчалиги аниқланганда гипсли моделларнинг таҳлили

Профилактик кўрикларни ўтказиш мобайнида биз томондан 6-9 ёшли болаларда 27,8% ҳолатда нутқ бузилишлари аниқланди.

Нафас олишнинг турли жадаллик даражасида бузилиши (оғиз орқали нафас олишнинг оддий туридан то нафас олишнинг аралаш туригача) 62,4% ҳолатларда учрайди. Ютинишнинг «инфантиль» тури ушбу ёшдаги 27,4% болаларда аниқланган.

44,2% болаларда чайнаш функциясининг бузилиши аниқланган бўлса, 30,7% болаларда – мимика мушакларининг парафункцияси кузатилган. (2-расмга қаранг).



2-расм. Болаларда орофациал дисфункциянинг тарқалганлиги ҳақидаги маълумотлар

Шуни қайд этиш лозимки, юқорида санаб ўтилган орофациал дисфункциялардан бири алоҳида кўринишда жуда кам кузатилди. Кўпчилик

болаларда бир неча дисфункциялар аниқланган. Бундан келиб чиқадики, болаларда орофациал дисфункциялар (ОФД) кенг тарқалган, ОФДларни бартараф этиш комплекс тарзда амалга оширилиши лозим.

Болаларда тиш-жағ деформацияларининг тарқалганлигини ўрганиш натижасида орофациал дисфункцияси мавжуд 168 нафар болаларнинг 39,1% нафарида сагиттал юзада нейтрал окклюзия кузатилди.

Вертикал юзадаги бузилишлар аниқланган 86,2% болаларнинг 23,0% ида курак тиш дизокклюзияси ва 43,2% ҳолатларда курак тишлар чуқур окклюзияси кўринишидаги нуқсонлар аниқланди.

Тадқиқот натижаларида аниқланишича, 6-9 ёшли болаларда 66,5% ҳолатларда тиш-жағ деформациялари аломатлари бўлмаган орофациал дисфункциялар, 16,5% ҳолатларда орофациал дисфункциялар билан бирга тиш-жағ деформациялари аниқланди. Орофациал дисфункциялар ва тиш-жағ деформацияларига эга бўлмаган болалар сони 17,0% ни ташкил қилади.

10-13 ёшли болаларда ТЖД ва ОФД тарқалганлигининг куйидаги тузилиши аниқланди: дистал окклюзияли ва ОФД эга бўлган болаларда – 62,6%, ТЖД аломатларисиз ОФД эга бўлган болаларда – 8,4%, ОФД ва ТЖД эга бўлмаган болаларда – 18,9%. (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Болаларда юз-жағ соҳасидаги деформацияларнинг тарқалганлиги

ТЖД ва орофациал дисфункциянинг мавжудлиги	6-9 ёш	10-13 ёш	14-16 ёш
Орофациал дисфункциялар	66,5%	8,4%	5,45%
ТЖД ва орофациал дисфункциялар	16,5%	62,6%	74,1%
ТЖД ва орофациал дисфункциянинг йўқлиги	17,0%	18,9%	16,8%

Шу тарзда, эрта тиш алмашинув даврида орофациал дисфункциялар кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Бола ёши катталашган сари, орофациал дисфункцияга эга бўлган болалар ЮЖС функционал бузилишлари билан боғлиқ бўлган ТЖДлари сони кўпайиб боради, бу эса адабиётларда қайд қилинган болалардаги орофациал дисфункциялар ТЖДларининг «преморбид» ҳолати ҳақидаги маълумотларини тасдиқлайди.

Дистал окклюзияли болаларда ортодонтик даволаш динамикасида оғиз бўшлиғи гигиенасининг ҳолати ва пародонт тўқималарини ўрганиш шуни кўрсатдики, амалий жиҳатдан соғлом бўлган ва ортодонтик аппаратлар билан даволаш режалаштирилган болаларда оғиз бўшлиғи гигиенасининг бошланғич даражаси, «қониқарсиз» ҳолатга бўлиб, миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича статистик жиҳатдан катта фарқ аниқланмади. ТЖДли болаларда пародонт тўқималаридаги яллиғланишли ўзгаришлар РМА индексининг қиймати бўйича ва Шиллер-Писарев намуналари янада кўпроқ ифодаланган ва соғлом гуруҳнинг маълумотларидан ишончли фарқ қилди.

Дистал окклюзияли болаларда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати ва пародонт тўқималари ҳолатини бирламчи ўрганиш натижалари 2-жадвалда кўрсатилган.

Амалий жиҳатдан соғлом ва ортодонтик даволаш режалаштирилган дистал окклюзияли болаларда оғиз бўшлиғи гигиенаси ва пародонт тўқималарининг ҳолати

Тадқиқот гуруҳлари	Silness-Loe	Stallard	CPITN
Асосий гуруҳ (n=40)	1,77±0,09	1,86±0,08	0,71±0,06
Қиёсий гуруҳ (n=27)	1,75±0,07	1,92±0,1	0,71±0,12
Назорат гуруҳи (n=20)	1,4±2 0,2	1,71±0,22	0,32±0,1

Изоҳ: *p* – асосий гуруҳ ва назорат гуруҳларининг кўрсаткичлари орасидаги фарқлари ишончилиги.

CPITN индексига мувофиқ болаларга гигиена кўникмаларини ўргатиш, тиш тозалашни назорат қилиш, «профессионал» тиш тозалаш каби мотивацияларни ўз ичига олган оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенасига эҳтиёжи кузатилди. CPITN индекси бўйича ушбу тадбирларга бўлган талаб асосий гуруҳда 82,5%, таққослаш гуруҳида 81,5%, назорат гуруҳида эса 55% ташкил қилди.

Иккинчи моляр тишларнинг чиқиши ва тиш-жағ тизимидаги ўзгаришлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш мақсадида, диагностик моделларнинг таҳлили ўтказилди. Текшириш натижасида беморларнинг тиш қаторларида жой танқислиги ёки кўплигининг сабабини кўрсатувчи маълумотлар олинди.

Пастки жағда жой танқис бўлганда, пастки жағ иккинчи моляр тишларнинг чиқишида ретромолляр соҳа альвеоляр ўсиқ чўққисининг шакли яққол ифодаланмаган ва тор бўлади. Альвеоляр ўсиқ ёйи қанчалик торайган бўлса, иккинчи молярнинг муртаги шунчалик чуқур жойлашган бўлади ва бундай клиник манзарада пастки жағ ўсишининг етишмовчилиги ҳамда тишларнинг зичлиги кузатилади. Шунингдек, 9 ёшгача бўлган болаларда, бошқача манзара кузатилди, бунда альвеоляр ўсиқнинг чўққиси қанчалик қалин бўлса, иккинчи молярнинг муртаги чиқишига шунчалик яқин жойлашган бўлади, шу тарзда, клиник манзара пастки жағнинг ортиқча ўсаётгани ва кенг апикал асосини кўрсатади.

Телерентгенография (ТРГ) текшириш маълумотлари шуни кўрсатдики, чин прогнатияли ўсмирларда 16 ва 26 тишларнинг дистал контури ва 17 ва 27 тишларнинг коронкаси орасидаги масофа 2 мм дан ортиқни ташкил қилиб, бу юқори жағнинг сагитал ўсишининг ишончли мезони бўлиб ҳисобланади, бу эса ўз навбатида оператив аралашувни талаб қилади.

Диссертациянинг «**Тиш жағ деформацияси бўлган болаларда метаболик гомеостазни ўрганиш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобда тиш-жағ деформациялари мавжуд болалардаги метаболик ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Мактаб ёшидаги болалар оғиз суюқлиги (ОС)нинг макроэлемент таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, дистал окклюзияли беморларда сўлакнинг кальций ионлари миқдори ўртача 1,9 мартага ортган. ОСда кальций миқдорининг кўпайиши болалар тиш-жағ тизимининг ушбу элементга бўлган талабининг юқорилиги билан изоҳланади, чунки унинг сўлакдаги концентрацияси қондаги кальций концентрацияси билан чамбарчас

боғлиқдир. Шунга ўхшаш динамика калий ионларига нисбатан ҳам кузатилди, унинг ОСдаги концентрацияси ўртача 1,6 мартага ошганлиги аниқланди. Калий ионига нисбатан тиш-жағ тизими ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида юқори талаб мавжудлиги сабабли, сўлак безлари калий ионини сўлакка чиқаради. Калий сўлакнинг рН муҳитини сақлашда муҳим ўрин тутди. Текшириш жараёнида хужайра метаболити бўлган магний ионига нисбатан қизиқарли динамика кузатилди. Дистал окклюзияли болаларда магний иони таққослаш гуруҳи билан солиштирганда ўртача 36,4% камайганлиги кузатилди. Бизнинг фикримизча, магний ионининг бундай динамикаси унинг қондаги паст концентрацияси билан боғлиқ, бу асаб хужайраларида метаболит жараёнларнинг бузилишига олиб келади.

Лаборатор текширув усулларидадан фойдаланиб, дистал окклюзияли болаларнинг оғиз бўшлиғи гомеостаз ҳолати ва носпецифик резистентлик даражасини тавсифловчи биокимёвий кўрсаткичлар ўрганилди.

Маълумотлар шуни кўрсатдики, дистал окклюзияли болаларда каталазининг фаоллиги дастлабки клиник ва лаборатор тадқиқотлар давомида деярли соғлом бўлган болаларга нисбатан ўртача 2 баравар паст эди. Бу дистал окклюзияли болаларда антиоксидант тизимининг захира қобилияти сусайганлигидан далолат беради. Болаларда дистал окклюзия ривожланишининг генезида мембранадаги патологик жараёнлар хужайра омиллари даражасида катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олсак, хужайра мембраналарининг беқарорлашувига олиб келадиган муҳим механизм липидларнинг перекисли оксидланиш жараёни (ЛПО) бўлгани учун, иш жараёнида оғиз суюқлигида малондиальдегид (МДА) даражаси ўрганилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, дистал окклюзияли болаларда МДА таркиби деярли соғлом болаларга қараганда анча юқори. Бу дистал окклюзия билан оғриган болаларда маҳаллий «оғиз бўшлиғида» липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнининг кучайганлигидан далолат беради. Дистал окклюзияли болаларда оғиз суюқлигининг биокимёвий таҳлилида оғиз суюқлигида эластаза фаоллиги ошганлиги кузатилди. Тадқиқот давомида оғиз суюқлигидаги лизоцимининг микробларга қарши химоя даражаси ўрганилди. Дистал окклюзияли болаларнинг оғиз суюқлигидаги уреаз фаоллиги соғлом болаларникига нисбатан ўртача 2 баравар юқори эканлиги кузатилди ($P < 0,05$).

Шундай қилиб, дистал окклюзияли болаларда прооксидант-антиоксидант тизимидаги номуносивликлар (каталаза фаоллигининг пасайиши ва малон диальдегид даражасининг ошиши, микробларга қарши химоя қобилияти пасайиши, патоген ва шартли патоген микрофлоранинг титрларининг ошиши кузатилди.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда қон зардобидидаги цитокинлар гуруҳининг баъзи хусусиятлари ўрганилди. Бизнинг тадқиқотларимиз дистал окклюзияли болаларда ИЛ-1а қондаги концентрациясини соғлом болалар билан солиштирганда ўртача 2,6 мартага кўпайганлигини кўрсатди. Шундай қилиб, дистал окклюзияли болаларда ИЛ-1а қондаги миқдори кўпайганлигининг аниқланиши юқумли-аллергик табиатли яллиғланиш

жараёнининг ривожланишидан далолат беради ва шунга мувофиқ ушбу кўрсаткичларни кузатилиши дистал окклюзияли мактаб ёшидаги болалар қонида уларнинг таркибий динамикаси ва оғиз шиллик қаватида яллиғланиш жараёнларининг ривожланиш хавф омилининг холис мезони сифатида ишлатишга имкон беради.

